

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz

facebook icon yuz.uznews telegram icon

✍️ **ТУРИЗМ ВА ТАЪЛИМ**

Фойдаланилмаган сайёҳлик салоҳияти

Бир оз эътибор ва саъй-ҳаракат минглаб туристларни чақиради



Иномжон МАЖИДОВ,
Ўзбекистон Миллий университети ректори

Бошланиши 1-бетда

Топшириқ олингани заҳоти ихросига киришилди. Ўзбекистон Миллий университетида бириктирилган Ховос, Фориш, Зомин, Арнасой туманларининг туризм объектилари тўғрисидаги маълумотни бойитиш мақсадида туртта ишчи гуруҳ тuzилди. Тегишли факультетлар деканлари раҳбарлигида туртала туманга тарихчи, археолог, этнограф, географ, эколог ва иқтисодчилардан иборат гуруҳлар юборилди. Шунингдек, туманларнинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш бўйича Жиззах ҳамда Сирдарё вилояти ҳокимликлари билан ҳамкорликда “йўл хариталари” тасдиқланди.

Президентимизнинг шу йил 26 апрелдаги “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди мазкур йўналишдаги вазифаларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб берилди. Зарур тавсия ва тақлифлар асосида сайёҳликни ривожлантиришга доир энг қўлай ва самарали механизмлар кўрсатилди.

Университетимизга бириктирилган ҳудудларга чиқиб ўрганиш асосида Зоминда 11 та, Форишда 7 та, Арнасойда 2 та, Ховосда 5 та туризм объекти мавжудлиги қайд этилди. Аини пайтда бошқа янги объектиларни ўрганиш ишлари давом эттирилмоқда. Келгусида қилинади-ган асосий ишлар олдимизда турибди. Жумладан, 4 тумандаги 21 та туризм маҳалласининг тарихи, ёдгорликлари ва туристик объектилари контенти яратилади. Табиийки, улар асосида каммида 3 тилда маълумотлар электрон базаси шакллантирилади. Кейинчалик яна ундан ортиқ хорижий тилга таржима қилинади. Туристтик объектиларнинг электрон харитаси ишлаб чиқилади. Энг муҳими, иқтисодиёт, тарих, геология, география, экология, журналистика ва хорижий тиллар йўналишларида ўқиётган талабаларнинг 1-2 ойлик амалиёти шу туманларда ташкил этилади. Бу билан назария ва амалиёт йўналишини таъминлашга эришилади. Ёшлар олган билим ва кўникмаларини амалиётда қўллаш учун кенг майдон ва имкониятга эга бўлади.

Туманлардаги туризм объектилари ва маданий ёдгорликлар ҳақида янги маълумотлар тўплаш осон иш эмас. Шунинг учун йил давомида этнография, археология, тарих, экология йўналишларида тадқиқот экспедициялари ташкил этилади. Ҳолва деган билан оғиз чучмаганидек, ҳудудлардаги туризм ва сервис объектилари ходимларининг малака ва тахрибасини оширмай, сифатли сайёҳлик хизмати кўрсатишга эришиб бўлмайди. Шу боис, мазкур йўналишда фаолият юритувчи мутахассислар учун ўқувлар ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Тегишли йўналишдаги талабаларнинг дипломолди амалиётини мазкур туристик объектларда ташкил этиш орқали ҳам муайян натижага эришилади. Қолаверса,

ҳудудлардаги маҳаллий ёшлардан иқтидорлилари сараланиб, гидлари тайёрлаш бўйича масофавий ва онлайн курсларда ўқитилади.

Яна бир муҳим ташаббус шуки, ўлкашунослик ва этнография бўйича ҳар йили талабалар форумини ўтказиш режалаштирилмоқда. Бу йил Зоминда, келгуси йили Фориш, Арнасой туманларида шундай шуқуҳли йиғинларни ўтказиш ниятидамиз. Бунинг самараси ўлароқ, ҳар бир туман бўйича тарихий, географик, экологик, археологик маълумотлар жамланган “Ўлкашунослик” номли тўплам тайёрланиб, нашр қилинади.

Сайёҳларни жалб этиш бўйича ўзига хосликларига кўра, университетимизга бириктирилган ҳудудларда туризмни ривожлантиришга доир ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиб, босқичма-босқич амалга оширялмиз. Чунончи Ховос туманида сайёҳлар оқимини кўпайтириш учун, аввало, туристлар бориши мумкин бўлган барча объектиларни бирлаштиручи чизмалли хариталар яратилади ва геолокацияси аниқланади. Албатта, барча туристик объектиларнинг 3D форматдаги модели ишлаб чиқилади. Сўнг манзилларнинг биридан бошқасига бориш мумкин бўлган энг яқин маршрутлар белгиланади.

Сайёҳлар боргандан кейин, табиийки, тураржой ва емакхонага ҳам эҳтиёж сезиши табиий. Шу боис, зиёратгоҳлар ҳудудидаги умумий овқатланиш жойлари ва меҳмонхоналар геолокацияси аниқлаштирилади. Қолаверса, туроператорлар билан биргаликда қўлай пакетлар ишлаб чиқилади.

Кўҳна Ховос шаҳри ҳудуди, Юсуф бобо ва Биби Хадича зиёратгоҳлари сингари фанга тўла маълум бўлмаган объектларда археологик изланишлар олиб бориш кўзда тутилган. Тарихий аҳамиятга эга деб баҳоланган тепалик ва ҳудудларда археология, этнология йўнали-



шдаги мутахассислар изланиш олиб боради. Тадқиқотлар натижасида “Ховособод” МФЙ ҳудудидаги 10 гектар майдонда “Очиқ осмон остидаги музей” ташкил этилади.

Зомин қозон латери, тандир гўшти, Жиззах оши, Бахмал олмаси, Гулистон анорини айнан Ховосда сотишни йўлга қўйиш ҳам сайёҳларнинг ҳудудга интилиши ва қизиқишини оширади, деб ўйлаймиз. Туристларни жалб этишда мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари ва консуллик идоралари ҳамда Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси ёрдамидан фойдаланиш ҳам зарар қилмайди. Шу боис, уларга туристик объектиларнинг янгиланган рўйхатини тақдим қилиш орқали қўзланган муддаога эришиш муддати тезлашади.

Арнасойда ҳам туризмни ривожлантириш бўйича асосли тақлифлар мавжуд. Жумладан, туманининг Наврўз қишлоғи ҳудудига туташ “Айдар-Арнасой куллар тизими” соҳилбўйи ҳудудидаги 22 минг гектар ерни Фориш туманидаги соҳил ҳудудидан Арнасой тумани ҳам унумли фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўларди.



Соҳилбўйигача бўлган йўл таъмирланади. Электр, ичимлик сув тармоқлари ўтказилади. Тиббий хизмат, интернет, Wi-Fi зоналари, савдо ва бошқа инфраструктура объектилари ташкил этилади. 20-25 ўринли хостеллар, 5-6 кишилик ўтовлар, 10 кишилик контейнер уйлар, 100 ўринли “Кемпинг” дам олиш масканлари қурилади.

Соҳилбўйида пароплан ва дельтапланда учиш, пляж футбол ва волейболи, вейкборднинг спорт турларини йўлга қўйиш орқали ҳам сайёҳлар эътиборини тортиш имкони мавжуд. Қолаверса, агротуризм, ов туризми, отда сайр ва экотуризм, табобат туризми, гастрономик туризм, этнотуризм, шопинг туризми ва кўпқари каби ўзига хос йўналишларни ривожлантириш мумкин.

Зомин туманини ярим муболага, ярим чин қилиб, “Ўзбекистоннинг Швейцарияси”, дейишди. Бу бежиз эмас. Ҳудуднинг бебаҳо табиати, мусоффо иқлими, пурвиқор тоғларини кенг адирлари ҳар қандай сайёҳнинг баҳри дилини очиб, кайфиятини кескин кўтаради. Бироқ ҳудудга етиб бориш учун туристларга хизмат кўрсатувчи транспорт хизматини ривожлантириш зарурати мавжуд. Хусусан, Тошкент — Зомин, Самарқанд — Зомин, Жиззах — Зомин йўналишида сифатли қатновни йўлга қўйиш орқали сайёҳлар оқимини ошириш мумкин. Қолаверса, меҳмонхоналарни “REGIONDO” дастурига киритиш, автомобилни ижарага бериш, қисқа рақамли такси хизмати ташкил этиш каби замонавий чора-тадбирларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Ҳудуднинг табиий ландшафти экстремал туризмни жорий этиш имконини беради. Мисол учун, ойнали осма кўприк, “тарзанка”, мотоспорт кабиларнинг ҳам ўзига яраша шинавандалари бор. Албатта, бу янги имконият эмас. Туманда агротуристик туризм, жумладан,

узумчилик, қулунчайчилик, боғдорчилик, қисқаси, қишлоқ ҳўжалиги туризми билан ҳам сайёҳларнинг эътиборини тортса бўлади.

Шунингдек, Зомин миллий боғи, Бобоевгоқ, Зомин шаршараси, Минг ёшли арча, Тоттерак ота, Ҳўжайи сероб ота, Оқтепа археологик ёдгорлиги, Кўк тўнли ота, Тўртқўлтёпа археологик ёдгорлиги, Пешағор қадамжоси, Миқ қалъаси каби қўллаб тарихий қадамжо ва зиёратгоҳлар борки, уларнинг инфраструктурасини ривожлантириб, ҳар қандай таъби нозик туристнинг кўнглига йўл топиш мумкин.

Форишда туризмни ривожлантириш имкониятлари ўзига хос. Аввало, табиийёт ва зиёрат туризмини йўлга қўйиш учун етарли шароит яратса бўлади. Жумладан, Айдарқўл-Тузкўн қўли бўйидаги турбаза негизида “Тузкўн” соғломлаштириш санаторийсининг ташкил этилиши шифоталаб меҳмонлар учун яхшигина имконият. Шунингдек, ҳудди Зоминдаги каби бу ерда ҳам экстремал экотуризмни йўлга қўйиш, хусусан, “Осмонсой” МФЙ ҳудудидаги тоғларда саёхат ва альпинизм туризмни ривожлантириш мумкин.

Тумандаги “Дўстлик”, “Ўҳум”, “Сайёд”, “Учуқлоқ” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида бутун бошли туризм маҳаллаларини барпо этиш орқали кўп сонли аҳолини иш билан таъминлаш имконияти мавжуд. Маҳаллий гидлар кўмагида сайёҳлар ҳудуддаги Ҳўжа бобон ота, Ҳазрати эшон халифа ва Ҳазрати Зайнулобиддин қадамжоларини зиёрат қилади. Мажрум (Македонский) арчаси, тош кўрғонлари, Сайёд тошбитиклари, Учқўлоқ туз конини қўриб завқланади. Қолаверса, Марказий Осиёдаги энг биринчи Хонбанди сув тўғони, туманининг хушманзара, бой флора ва фаунаси туристлар эътиборини тортади. Айниқса, Сафар ота, Уҳум, Мажрум қишлоқларидаги ноёб ландшафт, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қузатиш постлари, Нурота қўриқхонаси хизмати, пикник ҳудуди, спорт тадбирлари, гастрономик туризм, узумчилик, ёввойи зира терими юртдошларимиз учун ҳам, чет элликлар учун ҳам бир умр эсда қоларли таассурот тухфа этади.



МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

соҳа ривожидида муҳим масала

Туризм бугун жаҳондаги кўплаб давлатларнинг нафақат иқтисодий, балки маданий ва сиёсий фаолиятининг ҳам етакчи тармоқларидан бирига айланди. Масалан, қайсидир мамлакат фуқароси иккинчи бир юртга сайёхат қиладиган бўлса, биринчидан, у сайёхат қилиш орқали мириқиб дам олади, маънавий ва интеллектуал эҳтиёжларини қондиради. Иккинчидан, жисмоний кучини тиклайди ва ривожлантиради. Бунинг инсон учун фойдали жиҳат деб қарайдиган бўлсақ, туризмнинг мамлакат учун ҳам, фуқаролар учун ҳам фойдаси кўпчилиги аён бўлади.



Аҳмед РЕЙМОВ,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ
давлат университети ректори,
профессор

Маълумотларга қараганда, сайёхат ва йўловчи ташвиш хизматларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, халқаро туризм жаҳон хизматлар экспортининг 29 фоизини ташкил этади. Бошқача айтганда, туризм экспорт объекти сифатида бугун туртинчи ўринни мустаҳкам эгаллаб турибди. Аксар ривожланаётган давлатларда эса биринчи ўринда.

Ўзбекистонда ҳам барча тармоқлар қаторида туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу йўналишда кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти.

Жорий йилнинг 29 март куни Президентимиз ўтказган видеоселектор йиғилишида соҳа салоҳиятини жадал ривожлантириш бўйича амалга оширилган вазифалар қўйилди. Бунга сабаблардан бири Жаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеяси йиғилиши юртимизда ўтказилиши режалаштирилгани билан боғлиқ.

Сўнгги йилларда туризм иқтисодиётининг стратегик тармоқларидан бири сифатида жадал ривожланмоқда. Соҳа олдида турган қатор муаммолар бартараф этилиб, ихобий кўрсаткичларга эришиляпти.

Масалан, 2022 йилда Қорақалпоғистонга келган чет эллик сайёҳлар сони 2021 йилдагига нисбатан 2 баробар кўлайди ва 50 минг кишини ташкил этди. 2023 йилда эса 110 мингдан зиёд хорижий сайёҳ келиши кутилмоқда. Ички сайёҳлар сони ўтган йили 2021 йилдагига нисбатан 3 баробар ортиб, 600 минг кишига етди. 2023 йилда бу кўрсаткич 663 минг нафар бўлиши прогнози қилиняпти.

2016 йилда Қорақалпоғистонда бор-йўғи 18 та жойлаштириш ўрни бўлган. Бугунги кунда улар сони 5 баробар ортиб, 94 тага етди. Ҳудудда 28 та меҳмонхона, 43 та оилавий меҳмон уйи, 23 та хостел бор. Улардаги ўринлар сони 2 мингтаини ташкил этади. Шунингдек, 54 та туроператор ва турагент маҳаллий ва хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда.

Қорақалпоғистонда 288 та маданий мерос ва зиёрат объекти рўйхатдан ўтказилган. Уларнинг 131 таси археологик объект, 24 таси архитектура объекти, 88 таси монументал объект ва 45 таси диққатга сазовор жойлардир. 40 дан зиёд маданий-мерос объекти туризм йўналишларига киритилган.

Минтақада туризмни ривожлантириш ҳамда соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида университетимизда 2018-2019 ўқув йилида туризм бакалавр таълим йўналиши очилди. Ҳозирги кунда мазкур таълим йўналишида 178 талаба таҳсил олмақда. 2022-2023 ўқув йилидан эса магистратура мутахассислиги ҳам ташкил қилинди, унда 6 магистрант ўқимокда.

Қорақалпоғистонга сайёҳларни янада кўпроқ жалб этиш мақсадида мунтазам равишда Наврўз, миллий от йиғинлари, “Стихия”, “Орол балиқлари”дан 99 турли таом”, “Мўйноқ ва Оролнинг қайта тикланиши”, “Мўйноқ ралли” каби тадбирлар ўтказиб келиняпти.

Қорақалпоғистоннинг туризм салоҳиятини кенгайтириш мақсадида Россиянинг “РОССИЯ 24” ва “РЕН ТВ”, Бошқирдистон марказий телеканаллари, Қозғистоннинг “Хабар 24” телеканали, шу билан бирга, АҚШнинг “The Washington Post” газетаси журналистлари учун пресс-тур ташкил этилиб, ҳужжатли фильм, репортажлар тайёрланди ҳамда мақолалар чоп этилди. Қозғистоннинг “SCAT” авиакомпанияси “Борт” журнали учун халқимиз маданияти, урф-одатлари ва туристик объектилари ҳақидаги махсус мақолалар тайёрланди.

2022 йил ноябрь ойида Октов шаҳрида Қорақалпоғистон ва Қозғистоннинг туризм соҳасидаги расмий вакиллари ҳамда тадбиркорлик субъектилари ўртасида учрашув ташкил этилди.



Жорий йил Германия пойтахти Берлин шаҳрида “ITB BERLIN 2023” халқаро туризм ярмаркасида Қорақалпоғистон делегацияси иштирок этиб, республиканинг туристик салоҳиятини кенг тарғиб қилди.

“Aral Dream” халқаро PR дастури доирасида 2022 йил май ойида Францияда ўтказилган 75-Канн халқаро кинофестивали доирасида “Aral Dream” дастури тақдими ўтказилди. Қорақалпоғистоннинг туристик салоҳиятини тарғибот қилиш мақсадида Буюк Британия ва АҚШда нашр этиладиган оммабоп “Бред Гайдс” наشري томонидан китоб-қўлланма чоп этиш ишлари олиб борилмақда.

Талабаларимизнинг назарий ва амалий билимларини бойитиш мақсадида ТДИУ, УрДУ, СамИСИ ва “Буюк ипак йўли” халқаро туризм университети профессорлари ва соҳанинг етакчи мутахассислари ҳамда университетимиз профессор-ўқитувчилари ўртасида тахриба алмашиш йўлга қўйилмоқда.

Ҳозирги кунда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг икки профессори ва икки доценти туризм йўналишида талабаларимизга дарс бериб келяпти. Шунингдек, талабаларимиз учун шаҳар ва туманлардаги туристик объектиларни ўрганиш мақсадида амалий сафарлар ташкил қилиниб, малакавий амалиётлар шу ерда ўтказилмоқда.

2021-2022 ўқув йилида биринчи битирувчиларимиз ўқишни ташмоллади. Ҳозир уларнинг 65 фоизи ўз соҳаси бўйича ишлаяпти. 9 таси эса хусусий бизнесни юритиш мақсадида турфирмалар ташкил қилган. Битирувчиларнинг аксарияти Қорақалпоғистон Туризм ва маданий мерос вазирлигига ҳамда унга қарашли ташкилотларга ишга жойлашди.

Талабаларимизга туризм маркетинги, туризм ва маданий мерос, сайёхат агентликлари ишлари ва менежмент, гастрономия, туризмда тадбиркорлик, ресторан иши, туроперейтинг, мижозларга хизмат кўрсатиш технологияси фанлари ўқитилди.

Қорақалпоғистонда инвестиция дастурулари ва қўшимча инвестиция лойиҳалари доирасида 2022



йили туризм ва унга ёндош хизмат кўрсатиш тармоқларида 60 та лойиҳа ишга туширилди ва 111 миллиард 169 миллион сўмлик инвестиция ўзлаштирилди.

Оролбўйи муаммолари, уларни бартараф этиш ва ҳудудда сайёҳликни ривожлантириш юзасидан кенг қамровли ишлар билан жаҳон ҳамжамиятини яқиндан таништириш, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар грантлари ва инвесторлар маблағларини ҳудудга жалб этиш бўйича туризм стратегиясини ишлаб чиқиш, тарғибот материаллари тайёрлаш ва тур-компанияларнинг халқаро туризм ярмаркаларида иштирокчини таъминлаш мақсадида Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти — GIZ томонидан 300 минг евро грант ажратилди.

Талабаларнинг амалий билимини бойитиш учун олий ўқув юртимизда “GIZ UZBEKISTAN” ташкилоти томонидан симуляцион меҳмонхона лойиҳаси амалга оширилган. Жорий йил апрель ойидан бошлаб университетимиз иқтисодиёт факультети ҳудудида GIZ билан биргаликда туризм йўналишида таълим олаётган талаба ёшларнинг назарий билим ва кўникмаларини амалиётда янада мустаҳкамлаш мақсадида туризм лабораторияси иш бошлади.

Таълим жараёнини ўқув адабиётлари билан таъминлаш асосий масала ҳисобланади. Университетимиз Ахборот-ресурс марказига 2022 йилда ТДИУ олимлари томонидан тайёрланган, туризм соҳасига тегишли 30 номдаги, GIZ томонидан эса 60 номдаги 300 дан ортиқ китоб таълим йўналиши талабалари учун совға қилинди.

Туризмни ривожлантириш учун малакали кадрлар тайёрлаш бугуннинг долзарб масалаларидан биридир. Университетимиз ҳам бу вазифалар ижросига баҳоли қудрат ҳисса қўшишда давом этади.